

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ҚАХОРОВА НАЗОКАТ ПОЯНОВНА

**ТУРЛИ МЕЪЁРЛАРДА ЭКИЛГАН СОЯНИНГ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИ
ВА ЎҒИТЛАШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА
ТАЪСИРИ (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТАҚИРСИМОН
ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА)**

06.01.08– Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2022

УЎТ: 635.655.631.8.633.51(575.192)

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Қахорова Назокат Пояновна

Турли меъёрларда экилган соянинг кўчат қалинлиги ва ўғитлаш
меъёрларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсири (Қашқадарё вилоятининг
тақирсимон тупроқлари шароитида)..... 3

Қахорова Назокат Пояновна

Влияние густоты стояния и норм удобрений сои посеянной в различных
нормах на урожайность хлопчатника (в условиях такыровидных почв
Кашкадарьинской области)..... 21

Kakhorova Nazokat Poyanovna

The effect of soybean planted at different rates on seedling thickness and
fertilization standards on cotton yield. (In the conditions of fertile soils of
Kashkadarya region)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ҚАХОРОВА НАЗОКАТ ПОЯНОВНА

**ТУРЛИ МЕЪЁРЛАРДА ЭКИЛГАН СОЯНИНГ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИ
ВА ЎҒИТЛАШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА
ТАЪСИРИ (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТАҚИРСИМОН
ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2021.1. PhD/Qx 383 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қарши муҳандислик иқтисодиётинститутида (ҚарМИИ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.psuayiti.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Бозоров Холмурод Махмудович,**
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори,
катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Назаров Ренат Саидович,**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Саттаров Масъуджон Ахтамович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг «1» 02 2022 йил соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: riim@agro.uz

Диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (123 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2022 йил «19» 01 да тарқатилди.
(2022 йил «19» 01 даги 1 рақамли реестр баённомаси)



[Signature]
Ш.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

[Signature]
Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

[Signature]
Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалса фадоктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. «Дунёда ишлаб чиқариш ҳажмининг юқорилиги бўйича соя мойи иккинчи ўринда бўлиб, уни етказиб беришда Бразилия, АҚШ, Аргентина, Ҳиндистон ва Хитой мамлакатлари етакчилик қилади. Йиғиб олинган соя ҳосилининг 85 фоизи ушбу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Жорий мавсумда дунё бўйича 385,53 миллион тонна соя олиш кутилмоқда, ўтган йилда олинган ҳосил миқдорига нисбатан 22,58 миллион тоннага кўп хомашёси етиштирилиши кутилмоқда. Шунингдек, жаҳон пахтачилигида ингичка толали ғўза навлари қимматли тола бериши билан алоҳида аҳамият касб этиб, асосан Перу, Миср, шимолий Бразилия, АҚШ, Туркменистон, Судан, Нигерия давлатларида катта майдонларда парваришланади. Тола етиштириш бўйича Хитой етакчи ҳисобланади (25%). Иккинчи Ҳиндистон (18%). Кейинги ўринларни АҚШ, Покистон, Бразилия давлатлари эгаллайди».¹ Шу сабабли соя ва ингичка толали ғўза етиштириш, алмашлаб экишда экинлар майдонига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда дунё қишлоқ хўжалиги деҳқончилигида соядан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун уларни экиш меъёрлари, кўчат қалинлиги ҳамда ўғитлаш меъёрларини тўғри белгилаш, ингичка толали ғўза ҳосилдорлигини оширишда ўтмишдош экинларни тўғри танлаш бўйича олиб бориладиган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, асосий экин сифатида сояни парваришлаш, унинг экиш тизимлари, озиқага бўлган талабини тўғри белгилаш, аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва чорвачиликни ем-ҳашак баъзасини мустаҳкамлаш, ундан сўнг экиладиган экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишда мақбул агротехник тадбирлар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамизда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлдириш ва тупроқ унумдорлигини оширишда паст рентабелли ерларга асосий экин сифатида экспортбоп экинларни экиш кенг йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5853 сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида»ги Фармонида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришини муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, юқори даромад келтирадиган ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларда тупроқ унумдорлигини оширишда экинлар структурасини озиқ-овқат ва дуккакли экинлар билан бойитиш² каби

¹https://uza.uz/uz/posts/dunyo-bozoridagi-osimlik-moylari-87-foizi-palma-soya-kungaboqar-va-raps_273592 13:00 / 08.01.2021, [https://uz.wikipedia.org/wiki/Ingichka_tolali_g%](https://uz.wikipedia.org/wiki/Ingichka_tolali_g%27) https://textilespace.ru/directory/fibers/strany_lidery_po_proizvodstvu_hlopa 11.05.2020

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5853 сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида»ги Фармони.<https://lex.uz/docs/4567334>

устувор йўналишлар белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, республикамизда асосий майдонларда соя билан бирга ингичка толали ғўзани мақбул агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш, экинлардан барқарор ҳосил етиштиришда кўчат қалинлиги, маъдан ўғитлар меъёрлари, шунингдек, тупроқ унумдорлигини ошириш ва шу орқали келгуси йили парваришланадиган ингичка толали ғўзани меъёрида ўсиб ривожланишини таъминлаш бўйича илмий-тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.2017 йилдаги ПҚ-3144-сон ва «2017-2021 йилларда республикада соя экишни ташкил этиш ва сояли дуккакли экинлар етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2832-сон қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 47-сон 2020 йил 30-январдаги «Ингичка толали пахта етиштиришни самарали ташкил қилиш, янги навларни кўпайтириш ва рағбатлантириш механизмини жорий этиш тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган ерларда асосий ва такрорий экин сифатида соя етиштириш агротехникаси бўйича Ҳ.Атабаева, Д.Ёрматова, Б.Халиков, М.Маннапова, А.Иминов, А.Абдуазимов, А.Шамсиев, Ф.Намозов, М.Сатторов, Г.Тангирова, Н.Б.Шпилев, Y.Zhao, B.Siamabeleлар, қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида асоий, такрорий ва оралик экинлар етиштиришни тупроқ унумдорлиги ҳамда ғўза ҳосилдорлигига таъсири бўйича Қ.Мирзажонов, Р.Тиллаев, Б.Халиков, А.Авлиякулов, Н.Ўразматов, Я.Бўриев, И.Рахматов, Ф.Намозов, А.Иминов, М.Тожиев, Ф.Расулова, чет эл олимларидан J.Singer, P.Bauer, Arnold Bruns, H.A.Bruns, K.Reddy, W.T.Pettigrew ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган ва тегишли тавсиялар берилган.

Лекин, Қашқадарё вилоятининг чўл минтақаси тақирсимон тупроқлари шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, соя: ғўза тизимида сояни кўчат қалинлиги ҳамда маъдан ўғитлар меъёрини ингичка толали ғўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти Қашқадарё илмий тажриба станциясининг ҚХИ-5-028-2015. “Республиканинг жанубий минтақалар экстремал тупроқ –иқлим шароитида алмашлаб экишнинг ғўза:ғалла тизимида баҳорда ва кузги ғалла анғизига такрорий экиш учун соянинг “Олтинтож” навини бирламчи

уруғчилигини ташкил этиш” (2015-2016 йй.) мавзусидаги инновацион лойихаси ҳамда Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти илмий тадқиқот ишларининг режасига ва “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва дастлабки ишлаш технологиясини такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади. Қашқадарё вилоятининг чўл минтақаси тақирсимон тупроқлари шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишни соя:ғўза (1:1) тизимида асосий экин сифатида экилган сояни кўчат қалинлиги ва маъдан ўғитлар меъёрларини ингичка толали ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қашқадарё вилояти чўл минтақаси тақирсимон тупроқлари шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг соя-ғўза (1:1) тизимида соянинг униб чиқиши, ўсиши, ривожланиши, қуруқ масса тўплаши, ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига турли кўчат қалинлиги ҳамда ўғитлаш меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

қисқа навбатли алмашлаб экишнинг соя-ғўза (1:1) тизимида тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

ингичка толали ғўзанинг униб чиқиши, ўсиши, ривожланиши, қуруқ масса тўплаши, барг юзасига асосий экин сифатида экилган сояни турли кўчат қалинлиги ва ўғитлаш меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

ўрганилган омилларнинг ингичка толали ғўза ҳосилдорлиги ва пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

соя ва ғўза экинларини етиштиришда қўлланилган агротехника тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари, соянинг “Олтинтож” нави, ғўзанинг ингичка толали Қашқадарё-5 нави олинган.

Тадқиқотнинг предмети соя-ғўза (1:1) қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимида асосий экин сифатида экилган соянинг ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари, соядан сўнг ингичка толали ғўза етиштириш, тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хусусиятлари, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, барг юзаси, қуруқ масса тўплаши, ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар олиб боришда дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблашлар ва кузатувлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, тупроқ ва ўсимликлардаги таҳлиллар “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Олинган натижаларнинг математик таҳлили Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси ҳамда иқтисодий самарадорлик Н.А.Баранов усули асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйдагилардан иборат:

илк бор Қашқадарё вилоятининг чўл минтақаси тақирсимон тупроқлари

шароитида соя-ғўза қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимида ингичка толали ғўза ҳосилдорлигини оширишда асосий экин сифатида соянинг “Олтинтож” навини мақбул кўчат қалинлиги 370 минг туп/га ҳамда маъдан ўғитлар билан ўғитлаш меъёри $N_{100}P_{120}K_{100}$ кг/га эканлиги аниқланган;

сояни кўчат қалинлиги, гектарига 270, 370 минг туп, бўлганда ва маъданли ўғитлар $N_{100}P_{120}K_{100}$ кг/га меъёрларда қўлланилганда унинг ўсиши ва ривожланиши, дуккаклар сони қуруқ масса тўплаши ҳосилдорлиги, мой ҳамда оксил миқдори юқори бўлиши кузатилган;

ингичка толали Қашқадарё-5 ғўза навининг кўсаклар сони, қуруқ масса тўплаши, барг юзаси, ҳосилдорлиги, тола чиқиши, 1000 дона чигит массаси, тола узунлиги юқори бўлишига сояни мақбул кўчат қалинлиги, яъни 370 минг туп га жойлаштирилганда ва ўғитларни $N_{100}P_{120}K_{100}$ кг/га меъёрлар қўллаб парваришланганда ижобий таъсир этганлиги аниқланган;

сояни гектарига 270, 370, 555 минг кўчат қалинлиги ва $N_{100}P_{120}K_{100}$ кг/га ўғитлаш меъёрларида парваришлангандан сўнг ингичка толали ғўза етиштиришни иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари шароитида соя уруғларнинг униб чиқиши 277-370 минг туп кўчат қалинлигида 92,6-92,8%га тенг бўлиб, тўлиқ униб чиқиши учун 163,2-204,7⁰С фойдали ҳарорат талаб этилиши аниқланган.

Сояда $N_{100}P_{120}K_{100}$ кг/га меъёрда ўғит қўлланилган вариантларда энг юқори дуккаклар сони бир ўсимликда 20,4-26,6 донагача, ўсимлик бўйи 72,3-79,4 см гача, 1 ўсимликда қуруқ масса тўплаши: поя 24,06 г гача, илдиз қисми 17,62 г гача, 3,29 г гача барг, 15,9 г дон ва 12,14 г гача дуккак пўстлоғи қуруқ масса тўплаши, дон ҳосили ўртача 37,2 ц/га ни, мой миқдори 19,6%, униш кучи 88%, унувчанлиги 99%га тенг бўлганлиги аниқланган. Оксил миқдори эса шу ўғитлаш меъёрида 270 минг туп/га кўчат қалинлигида 39,2%ни ташкил этган.

Ингичка толали ғўзанинг “Қашқадарё-5” навида энг юқори кўрсаткич сояни 370 минг туп/га кўчат қалинлигида жойлаштирилиб маъданли ўғитлар билан $N_{100}P_{120}K_{100}$ кг/га меъёрларда озиклантирилиб парваришлангандан сўнг етиштирилган вариантда назоратга нисбатан бўйи 8,7 см га, кўсаклар сони 3,7 донага, ғўза ҳосилдорлиги 8,4 ц/га, тола чиқиши 1,6%, 1000 дона чигит массаси 7,1 г га, тола узунлаги 2,6 мм га, рентабеллик даражаси 23,8%га юқори бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларини дала ва лаборатория услубий қўлланмаларидан фойдаланган ҳолда математик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижалари республика ва чет эл тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар, ҳисоботлар Илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларини Республика ва халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф

этилган илмий нашрларда чоп этилган илмий мақолалар натижаларнинг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти соя-ғўза (1:1) алмашлаб экиш тизимида тупроқ унумдорлиги ва ингичка толали ғўза ҳосилдорлигини оширишда асосий экин сифатида парваришланган соянинг мақбул кўчат қалинлиги ҳамда ўғитлаш меъёрларини аниқланганлиги ва илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бажарилган илмий тадқиқотлар асосида асосий экин сифатида етиштирилган соядан юқори дон ҳосили етиштириш агротадбирларини мақбуллаштириш натижасида тупроқ унумдорлигини ошишига ва ингичка толали ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олиш ҳамда юқори иқтисодий самарадорлик ва рентабелликка эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё вилоятининг чўл минтақаси тақирсимон тупроқлари шароитида алмашлаб экишнинг соя:ғўза (1:1) тизимида асосий экин сифатида экилган сояни кўчат қалинлиги ва маъдан ўғитлар меъёрларини тупроқ унумдорлиги ва ингичка толали ғўза ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

соя:ғўза қисқа навбатлаб экиш тизимида асосий экин сифатида сояни кўчат қалинлиги ва ўғитлаш меъёрини қўллаш ва издош экин сифатида ингичка толали ғўза парваришлаш бўйича “Соя-ғўза (ингичка толали) алмашлаб экиш тизимларида экинлардан юқори ҳосил етиштириш агротехнологиялари бўйича тавсиялар” (*Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари мисолида*) тасдиқланган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 29 сентябрь санасидаги 02/027-3957-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома фермер хўжаликлар учун илмий манбаа ва қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлар шароитида соя-ғўза қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимида сояни кўчат қалинлиги гектарига 370 минг туп қолдириб, маъдан ўғитларни $N_{100}P_{120}K_{100}$ кг/га меъёрда қўллаш агротехникаси Косон туманида 10 гектар, Касби туманида 28 гектар ва Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Қашқадарё илмий тажриба станциясида 2 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 29 сентябрь санасидаги 02/027-3957-сон маълумотномаси). Натижада 31,4-33,1 ц/га дон ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси 47,0-50,7%ни ташкил қилган. Ишлаб чиқариш шароитида қўлланилаётган агротадбирларга нисбатан 5,8 ц/га қўшимча ҳосил олинган;

соя-ғўза алмашлаб экиш тизимида сояни мақбул кўчат қалинлиги ва маъдан ўғитлар меъёрлари қўллаб парваришлангандан сўнг ингичка толали ғўза етиштириш бўйича Қашқадарё вилояти Косон, Касби туманлари ва Қашқадарё илмий тажриба станциясида жами 40 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 29 сентябрь санасидаги 02/027-3957-сон

маълумотномаси). Соядан сўнг ингичка толали ғўза парвариш қилинганда ўсимликларнинг ўсиб ривожланиши меъёрида бўлиб, 42,3-43,8 ц/га пахта ҳосили олинган ва ғўзадан сўнг иккинчи йил ғўза экилганга нисбатан гектаридан 6,1-6,8 ц қўшимча ҳосил олинган. Рентабеллик даражаси 32,6-51,8%ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили ҚХБИММ ва Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти мутахассисларидан иборат махсус апробация ҳайати томонидан кўрилган ҳамда ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари йиллик ҳисоботларда баён қилинган бўлиб, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва ҳалқаро илмий анжуманларда 3 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, жумладан, 2 та маҳаллий ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўтмишдош экинларни ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига соя экинининг таъсири бўйича илмий адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари юзасидан маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, изланишларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда суғориладиган майдонларда соя-ғўза алмашлаб экиш тизимларида соядан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда турли кўчат қалинлиги ва ўғитлаш меъёрларини ишлаб чиқиш, соядан сўнг ғўза етиштириш самарадорлиги, алмашлаб экиш тизимларида асосий, такрорий ва оралик экинларини тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигига таъсири бўйича ўтказилган тадқиқотлар юзасидан

олинган натижа, хулоса ва фикрлари баён этилган.

Адабиётлар таҳлилининг сўнгги саҳифасида Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари шароитида соядан юқори дон ҳосили етиштириш борасида кўчат қалинлиги ва ўғитлаш меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда соядан сўнг ингичка толали ғўза етиштириш самарадорлиги шунингдек, ишлаб чиқариш шароитида уларни қўллаш назарий ва амалий жиҳатдан долзарб масалалардан эканлиги келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ҳамда услублари”** деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган минтақанинг географик ўрни, тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари, тажриба тизими ва тадқиқот ўтказиш услублари, шунингдек, тадқиқотда қўлланилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Тадқиқотларда ўрганилган дала тупроғи кам шўрланган, механик таркибига кўра енгил қумоқ тақирсимон тупроқлардир. Тақир ва тақирсимон тупроқлар вилоят суғориладиган тупроқларининг 24,8 фоизини ташкил этади. Озиқа моддалардан гумус ва азот билан кам, фосфор билан жуда кам ҳамда калий билан ўртача таъминланган.

Экинларнинг мавсум давомида фойдали ҳарорат йиғиндиси соя экишдан униб чиқиш ва чинбарг чиқариш давригача бўлган оралиқда фойдали ҳарорат йиғиндиси 193-215⁰Сгача бўлган, энг юқори ҳарорат йиғиндиси июль ойида 2017 йилда 638⁰Сга, кейинги йилларда 42-47⁰Сга кўп бўлганлиги кузатилган. Ингичка толали ғўза ва соя парваришланган йилларда фойдали ҳарорат йиғиндиси 3058⁰С гача бўлганлиги кузатилган бўлса, кўп йилликка нисбатан 177⁰С га юқори бўлган.

Тажриба даласи тупроғи тақирсимон, сизоб сувлар сатҳи 2,5-3,0 метр чуқурликда жойлашган. Тажриба 11 вариант, 3 қайтариқда жойлаштирилди. Тажриба 90 см қатор оралиғида экилиб, ҳар бир вариант узунлиги 30 метр бўлиб, 108 м² да жойлашган. Ҳисоб китоб ишлари фенологик кузатувлари олиб бориладиган ҳисобий майдон 54 м², умумий майдони 0,39 га ни ташкил этади. Тажрибада соянинг “Олтинтож” нави ва ингичка толали ғўзанинг “Қашқадарё-5” навлари экилган.

Ҳосилдорлик бўйича маълумотларга математик-статистик таҳлиллар Б.А.Доспехов усулида, агротехнологик тадбирларни иқтисодий самарадорликлари “Методика определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов научных исследований и опытно-конструкторских работ новой технологии, изобретательских предложений” қўлланмасида, тупроқнинг ҳажм массаси, ғоваклиги ва сув ўтказувчанлигини аниқлашда “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” қўлланмасидан фойдаланилган.


Тупроқнинг ҳажм массаси чигит экишдан олдин конверт усулида беш нуқтасидан ҳамда мавсум охирида ҳар бир вариантдан тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см. қатламларидан тупроқ намуналари цилиндр (ҳажми 500 см³) ёрдамида олиниб, Н.А.Качинский усулида тарозида тортиш йўли билан, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги цилиндрлар ёрдамида, агрохимёвий таҳлиллар тажрибада

мавсум бошида беш нуқтада ва мавсум охирида вариантлар бўйича тупроқнинг 0-30 см ва 30-50 см қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, улардан гумус И.В.Тюрин усулида, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари Л.П.Гриценко, И.М.Мальцева усулида, нитратли азот Калориметр усулида, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин усулида, алмашинувчи калий П.В.Протасов усулида аниқланган.

Соя бўйича фенологик кузатишлар махсус этикеткаланган 100 дона ўсимликларда олиб борилган. уруғларни униб чиқиш даражаси, чин барглар сони, ўсимликлар бош пояси баландлиги, ҳосил шохлари сони, гуллар сони, дуккаклар сони, кўчат қалинлиги, 1000 дона дон массаси (амал даври бошида ва охирида), дон ҳосилдорлиги барча такрорланиш ва вариантларида тарозида тортиш йўли билан, ғўзада ҳар бир вариантда этикетка билан белгилаб қўйилган 100 дона ўсимликларда аниқланган. Кўчат қалинлиги 11,1 п/м узунликда, чин барглар сони, ўсимлик бош поя баландлигини, тугунчалар сони, ҳосил шохлари сони, гуллар сони, кўсаклар сонини ва вариантларда теримлар бўйича пахта ҳосилдорлиги ҳамда пахта толаси сифати аниқланган.

Диссертациянинг **“Соянинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига кўчат қалинлиги ва ўғитлаш меъёрларининг таъсири”** деб номланган учинчи бобида уруғларнинг униб чиқиши кўчат қалинликлари билан боғлиқ ҳолда энг яхши кўрсаткич сояни назарий 277-370 минг туп кўчат қалинлигида экилган вариантларда тегишлича 92,6-92,8%га тенг бўлган. 555 минг туп кўчат қалинлигида экилган соя уруғлари униб чиқиш даражаси 1,7-1,9 % га кам униб чиққанлиги аниқланган. Соя уруғларининг тўлиқ униб чиқиши учун 163,2-204,7⁰С фойдали ҳарорат талаб этилиш аниқланган.

Ҳақиқий кўчат қалинлиги (мавсум бошида) 185 минг туп кўчат қалинлиги ҳисобида экилган вариантларда гектар ҳисобига 167,8-168,9 минг туп, 222 минг туп/га меъёрида 203,8-205,1 минг туп/га, 370 минг туп/га меъёрда 340,4-343,4 минг донани ташкил қилган бўлса, мавсум охирига бориб вариантлар бўйича 4,6-11,1 минг тупгача камайганлиги аниқланган (1-расм).



1-расм. Соя кўчат қалинлиги, мавсум бошида (минг туп/га)

Соянинг кўчат қалинлиги 185 минг туп кўчат қалинлигида $N_{100}P_{120}K_{100}$ кг/га меъёрда ўғит қўлланилганда 1-июль ҳолатига унинг бўйи 38,6 см, дуккаги 19,5 дона, 370 минг туп кўчат қалинлигида тегишлича бўйи 34,9 см, дуккаклар сони 15,1 дона эканлиги аниқланган. Кўчат сони энг юқори 555 минг дона гектарига ташкил қилганда ўсимликнинг бўйи 34,0 см, дуккаклари 14,3 донага тенг эканлиги аниқланди. Соянинг вегетация даври охирида ушбу тескари қонуният кузатилган. $N_{100}P_{120}K_{100}$ кг/га меъёрда ўғит қўлланилган вариантларда дуккаклар сони бир ўсимликда 20,4-26,6 донагача, ўсимлик бўйи 72,3-79,4 см гача бўлган бўлса, $N_{75}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда озиклантирилган 7-11 вариантларда ўсимлик бўйи 1,4-2,1 см гача паст, дуккаклар сони эса 1,8-2,1 донагача камайганлиги кузатилган.


Соя ўсимлигининг ҳосилдорлигини белгиловчи муҳим кўрсаткичларидан бир ўсимликда дуккаклар сони (31,7 дона), бир ўсимликда дон сони (104,6 дона) ва вазни ва 1000 дона дон вазни (164,9 г) бўйича ҳам энг юқори натижа сояни гектарига 185 минг туп кўчат қолдириб, $N_{100}P_{120}K_{100}$ кг/га меъёрда ўғитланган вариантда кузатилган. Шу меъёрда ўғитланган вариантлар орасида энг паст натижалар сояни 555 минг туп кўчат қалинлигида парваришланган вариантда кузатилиб тегишлича 23,5; 51,7; 138,7 г га тенг бўлганлиги қайд этилган.

Сояни 185 минг туп/га кўчат қалинлигида парваришланган вариантда куруқ масса 73,13 г га тенг бўлган бўлса, кўчат сони ортиши билан битта ўсимликнинг куруқ массасини камайиб бориши аниқланди. Кўчат қалинлиги 555 минг тупга ортганда бир ўсимликдаги куруқ масса 29,40 г га тенг бўлганлиги кузатилган. Кўчат қалинлигини 185 минг туп/га қолдириб, $N_{75}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда ўғитлар қўлланилган вариантда 65,99 г ни ташкил этган бўлса, $N_{100}P_{120}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилган вариантда эса ушбу кўрсаткич 7,14 г га юқори бўлганлиги аниқланган.

Бир ўсимликда ҳосил бўлган куруқ масса ўсимликни органларга бўлиб ўрганилганда, асосий масса -пояда 24,06 г гача, илдиз қисми 17,62 г гача, 3,29 г гача барг, 15,9 г дон ва 12,14 г гача дуккак пўстлоғи куруқ масса тўплаши мумкинлиги аниқланган. Энг юқори натижа гектарига 370 минг туп кўчат қолдириб, маъдан ўғитлар $N_{100}P_{120}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилган 5-вариантда кузатилган. Энг кам куруқ масса миқдори эса гектарига 185 минг туп кўчат қолдириб $N_{75}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда ўғитлар қўлланилган 7-вариантда кузатилиб, тегишлича 10,6 тоннани ташкил этган (2-расм).

Кўчат қалинлиги 270 минг туп/га қалинликда парваришланганда юқори ўғитлаш меъёрида 13,5 т/га, кўчат қалинлиги 555 минг туп/га қолдирилганда эса 14,4 т/га тўплаганлиги аниқланди. Шу кўчат қалинликларида $N_{75}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда ўғитлар қўлланилганда, тегишлича 1,8; 2,0 т/га кам куруқ масса тўплаганлиги кузатилган. Фотосинтез соф маҳсулдорлиги эса энг юқори бўлган вариант соянинг 270 минг туп/га кўчат қалинлигида маъданли ўғитлар $N_{100}P_{120}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилган фондаги ғўзада кузатилиб 5,0 г/м²* ни ташкил қилди.

Соянинг бир гектар ҳисобига қуруқ масса тўплаши



2-рам. 1 гектар ҳисобига соянинг қуруқ масса тўплаши, т/га.

Тадқиқотларда соя илдизида ҳосил бўладиган туганаклар миқдори маъдан ўғитлар $N_{100}P_{120}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилганда шоналаш даврида кўчат қалинлиги 185 минг туп/га қолдирилганда 8,7 дона, 222 минг туп/га қолдирилганда 10,2 дона, 270 ва 370 минг туп/га қолдирилганда тегишлича 11,8; 13,3 донани, 555 минг туп/га қолдирилганда 4,5 донга тенг бўлган. Ўғитлар $N_{75}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда қўлланилганда эса бир туп ўсимликда кўчат қалинликларига мос равишда 9,5; 12,2; 13,8; 15,3 ва 10,1 донга тенг бўлганлиги кузатилган. Соя вегетацияси давомида энг кўп туганаклар тўпланиши дуккак ҳосил қилиш даврида кузатилиб, $N_{75}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда ўғитлар қўлланилган ва кўчат қалинлиги 270 ва 370 минг туп/га қолдирилганда тегишлича 22,9; 24,6 донани ташкил қилган.

Соянинг энг юқори дон ҳосили $N_{100}P_{120}K_{100}$ кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилиб, гектарига 370 минг кўчат қолдириб парваришланган вариантда қайд этилиб, бу кўрсаткич ўртача 37,2 ц/га ни ташкил этган. Энг паст кўрсаткич иккинчи вариантда кузатилиб, 25,1 ц/га га тенг бўлган. Ушбу вариантда кўчатларнинг 185 минг туп/га оширилиши соянинг дон ҳосилдорлигини 12,1 ц/га кўп бўлишига сабаб бўлди (1-жадвал).

Тажрибанинг 5-вариантида соянинг гектарига 370 минг тупни ташкил қилиши ҳосилдорлигини ҳам юқори (37,2 ц) бўлишига ва ушбу кўрсаткич худди шу кўчат қалинлигида паст ($N_{75}P_{100}K_{75}$ кг/га) меъёрларда озиклантирилган 10-вариантидаги ҳосилдорликдан (30,4 ц.) 6,8 ц/га га кўплиги юқорилиги кузатилган.

Бироқ, соянинг кўчат қалинлиги 555 минг туп гектарига ортиши (6, 11 вариантлар) ҳосилдорликнинг 370 минг туп кўчат қолдирилганга нисбатан $N_{100}P_{120}K_{100}$ кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилганда (3,1 ц/га) ҳам, шу билан бирга $N_{75}P_{100}K_{75}$ кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилганда ҳам (2,8 ц/га) пасайишига олиб келган.

Соянинг дон ҳосилдорлиги, ц/га

Вариант рақам	Назарий кўчат қалинлиги минг туп/га	Ўғитлар меъёри, кг/га	Дон ҳосилдорлиги, ц/га				Қўшимча ҳосил, ц/га	
			2017	2018	2019	Ўртача	Ишлаб чиқаришга нисбатан	Ўғитлашга нисбатан
2	185	N ₁₀₀ P ₁₂₀ K ₁₀₀	26,2	24,3	24,7	25,1	-3,5	+3,9
3	222		30,1	27,5	28,3	28,6	-	+4,8
4	270		34,0	31,7	33,3	33,0	+4,4	+7,0
5	370		37,8	36,6	37,3	37,2	+8,6	+6,8
6	555		35,1	32,7	34,6	34,1	+5,5	+6,5
7	185	N ₇₅ P ₁₀₀ K ₇₅	22,5	18,9	22,2	21,2	-2,6	
8	222		25,1	22	24,4	23,8	-	
9	270		27,0	24,9	26,2	26,0	+2,2	
10	370		31,6	29,1	30,4	30,4	+6,6	
11	555		29,1	26,1	27,7	27,6	+3,8	

$Sd=0,36$ ц $Sx=0,26$ ц $HCP_{05}=0,76$ ц $HCP_{05}\%=2,63\%$

$Sd=0,16$ ц $Sx=0,12$ ц $HCP_{05}(A)=0,34$ ц $HCP_{05}\%=1,17\%$

$Sd=0,26$ ц $Sx=0,18$ ц $HCP_{05}(B)=0,55$ ц $HCP_{05}\%=1,1\%$

Тадқиқотларда дон таркибидаги мой миқдори кўчат қалинлиги ва ўғитлаш меъёрларига боғлиқ ҳолда 18,0%дан 19,6%гача бўлганлиги кузатилди. Юқори меъёрда озиклантириш дон таркибидаги мой миқдорини 0,1-04%гача ортишига сабаб бўлган бўлса, сояни 270; 370 минг туп/га қалинликда қолдирилиши мойнинг энг юқори миқдори 19,0-19,6%га тенг бўлишини кўрсатган.

Соя йиғиштириб олингандан сўнг илдиз ва анғиз қолдиқлари билан бирга барги, пояси (донидан ташқари) далада қолади ва натижада қўлланилган агротехник омилларга боғлиқ ҳолда 7,5 тоннадан 11,3 тоннагача ўсимлик қолдиқлари қолдириши аниқланган.

Диссертациянинг “Сояни турли кўчат қалинлиги ва ўғитлаш меъёрларини ингичка толали ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири” деб номланган тўртинчи бобида тупроқнинг ҳажм массаси нисбатан оғирроқ тупроқ доимий ғўза экиб келинаётган 1-вариантда кузатилган ва у тупроқнинг ҳайдов қатламида амал даври бошида 1,303 грамм см³, ҳайдов ости қатламда эса нисбатан оғир эканлиги 1,376 грамм см³ га тенг эканлиги аниқланган.

Тажрибанинг сояни N₁₀₀P₁₂₀K₁₀₀кг/га меъёрда ўғит қўлланилган 2-6 вариантларда тегишлича 0-30 см тупроқ қатламида 1,287-1,291-1,279-1,275 г/см³ га тенг бўлган. 5-вариантда бу кўрсаткич 0,028 г/см, ҳайдов ости қатламида эса 0,015 г/см³ пастроқ эканлиги аниқланган.

Тажрибанинг амал даври охирида, назорат вариантынинг 0-30 см қатламида тупроқнинг ҳажм массаси 1,352 г/см³ га, 30-50 см қатламида 1,430 г/см³ эканлиги аниқланган. Мавсум бошида ҳайдов қатламида ғоваклик 50,3%ни ташкил қилган бўлса, ҳайдов ости қатламида 47,7%ни ташкил

қилган. Ғўза амал даври бошида тупроқнинг ҳайдов қатламида соядан сўнг экилган вариантларда 1,1-1,9%га ортган бўлса, ғўзанинг амал даври охирига келиб 0,4-0,8%га камайганлиги аниқланган.

Тупроқ сув ўтказувчанлиги мавсум бошида 6 соат давомида 843,7 м³/га ни ташкил этган бўлса, мавсум охирига келиб сояни N₁₀₀P₁₂₀K₁₀₀ кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилиб, гектарига 370 минг кўчат қолдириб парваришланган вариантда тегишлича 693,0 м³/га га тенг бўлган. Назорат вариантга нисбатан таққосланганда 77,4 м³/га юқори бўлган бўлса, мавсум бошига нисбатан 150,7 м³/га камайганлиги кузатилган.

Тажриба даласининг 0-30 см тупроқ қатламидаги гумус миқдори мавсум бошида ўртача 0,778 %, умумий азот 0,093%, фосфор 0,208 % ни ташкил этган бўлса, 30-50 см қатламда ушбу кўрсаткичлар, гумус 0,529 %, азот 0,076 %, фосфор 0,146 % га тенг бўлган. Нитратли азот 19,84 мг/кг ни, ҳаракатчан фосфор 15,6 мг/кг, алмашинувчи калий 214,2 мг/кг ни ташкил этган. Мавсум охирига келиб тупроқнинг 0-30 см қатламида назорат вариантда гумус 0,025%га, умумий азот 0,004%, фосфор 0,011%га, нитратли азот 2,77, ҳаракатчан фосфор 2,80 мг/кг га, алмашинувчи калий эса 27,2 мг/кг га камайганлиги аниқланган. Кўчат қалинлиги 277 мингдан 555 минг тупгача қолдириб парваришланган вариантларда эса нитратли азот 0,86-0,16 мг/кг, 0,2-0,9 мг/кг ва алмашинувчи калий 1-5 мг/кг гача ортганлиги кузатилган.

Чигитларни дала унувчанлиги маъдан ўғитлар N₁₀₀P₁₂₀K₁₀₀ кг/га меъёри қўлланилган соя вариантларидан сўнг экилган уруғлар 86,3%дан 87,2% гача, N₇₅P₁₀₀K₇₅ кг/га қўлланилган соя вариантларидан сўнг экилган уруғлар нисбатан камроқ 84,9%дан 85,8%гача ниҳоллар униб чиққанлиги аниқланган.

Тажрибада кўчат қалинлиги назорат вариантда 2018 йил мавсумида 135,6 минг туп/га ни, сояни маъдан ўғитлар N₁₀₀P₁₂₀K₁₀₀ кг/га меъёри қўлланилган вариантларда тегишлича -135,7; 136,3; 137,1; 137,8; 135,2 минг туп/га ни, нисбатан кам меъёрда ўғитланган вариантлардан сўнг экилган 7-11 вариантларда 135,0; 134,1; 134,7; 135,6; 134,5 минг туп бўлган. Амал даври охирида 130,2 - 134,9 минг тупгача оралиғида бўлганлиги кузатилган.

